СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР “АЁЛЛАР ҚАНОТИ” НИНГ ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ИЖТИМОИЙ СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ФАОЛИЯТИГА ДОИР (ЎзЛиДеП нинг “Аёллар қаноти” фаолияти мисолида)

М.Шамсиева

Мақолада республикамизда хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоялаш, уларнинг касбий, маънавий ва интеллектуал ўсишига кўмаклашиш, меҳнат шароитларини яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш масалалари ЎзЛиДеП нинг “Аёллар қаноти” фаолияти мисолида таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: *ижтимоий-сиёсий фаоллик, тадбиркорлик, сиёсий партия, ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя.*

В статье обсуждаются вопросы социально-правовой защиты женщин, улучшения условий их труда, оказания содействия профессиональному, нравственному и интеллектуальному росту на примере деятельности «Женского крыла» УзЛиДеПа.

Ключевые слова*: социально-политическая активность, предпринимательство, политическая партия, социально-правовая защита.*

On the basis of the activities of ‘Ayollar qanoty’ farction of the Liberal-Democratic-party of Uzbekistan the author of this article tries to demonstrate that social security of women, supporting their professional, spiritual and intellectual growth, improvement of their labour conditions, attraction to the proprietorship are the main factors of realization the above mentioned activities.

Key words*: social and political activity, proprietorship, political party, social and legal defense.*

Мустақилликка эришган Ўзбекистон халқи ўз олдига демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлини танлади. Бу эзгу мақсадга эришиш барча демократик институтларнинг фаоллигини ошириш, демократиянинг асосий шарти бўлган кўппартиявийликни шакллантириш ва ривожлантиришни талаб этади.

Бугунги кунда мамлакатимизда демократик принципларга асосланиб иш юритадиган сиёсий партиялар ташкил топиши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Республикамиз сиёсий ҳаётида фаолият юритаётган ҳар бир партия жамиятнинг маълум бир табақаси манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилмоқда. Жумладан, социал–демократик мафкурага асосланган Ўзбекистон Халқ демократик партияси ва Адолат социал-демократик партияси - ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари, ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлган ва кам таъминланган меҳнаткаш фуқаролар манфаатини; миллий руҳ, дунёқараш, миллий ўзликни англаш ва ватанпарварликка асосланган Миллий тикланиш демократик партияси – зиёлиларнинг; либерал ғояларнинг ифодачиси Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси эса тадбиркорлар, фермерлар ва ўрта синф вакилларининг манфаатларини ҳимоя қилмоқда [1].

Республикамиз аҳолисининг тенг ярмини ташкил этувчи хотин-қизлар ҳам мамлакатимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланиб бормоқда. Бугун сиёсий партияни бошқараётган ёки Олий Мажлисдаги фракциялардан бирига раҳбарлик қилаётган аёл учрамаса-да, аммо ХДП Марказий Кенгаши аъзоларининг 41 фоизи, “Адолат” социал демократик партияси Сиёсий Кенгаши аъзоларининг 49 фоизи, “Миллий тикланиши” демократик партияси Марказий Кенгаши аъзоларининг 47 фоизи, Либерал-демократик партияси сиёсий бюроси ижроий қўмитаси аъзоларининг 38 фоизини аёллар ташкил этмоқда [2].

Республикамизда фаолият юритаётган сиёсий партияларнинг “Аёллар қаноти” хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоялаш, уларнинг касбий, маънавий ва интеллектуал ўсишига кўмаклашиш, меҳнат шароитларини яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш масалаларига катта эътибор қаратмоқдалар. Жумладан, ЎзЛиДеП “Аёллар қаноти” нинг жамиятда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларда аёллар фаол иштирокини таъминлашга қаратилган бир қатор истиқболли лойиҳалари тадбиркор ва ишбилармон аёлларни эзгу мақсадлар сари руҳлантиришга ёрдам бермоқда. ЎзЛиДеП нинг Андижон

вилояти “Аёллар қаноти” ташаббуси билан 2013 йилда 250 ортиқ сиёсий, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилиб, тадбиркор аёлларга 262 млн. 900 минг сўм миқдордаги кредит олишларига амалий ёрдам берилди. Натижада 42 нафар хотин-қиз доимий, 100 нафардан ортиғи мавсумий иш билан таъминланди. Аҳоли ўртасида “Оилавий тадбиркорлик”ни ривожлантириш орқали бандлик даражасини оширишга катта аҳамият берилмоқда. Бугунги кунда Андижон вилоятида 22 мингдан ортиқ кичик корхоналар ва микрофирмалар фаолият юритмоқда, уларнинг 10 мингдан ортиғини хотин-қизлар бошқармоқда. “Аёллар қаноти” кўмагида ташкил этилган “Кичик бизнес ва тадбиркорлик ривожи - соғлом ва обод турмушнинг муҳим шартидир” мавзусида Форум, “Соғлом оила – мустаҳкам оила” мавзусида ўтказилган тадбирлар натижасида 5 нафар андижонлик хотин-қизнинг молиявий муаммолари ҳал қилиниб, бизнес лойиҳалари имтиёзли кредит маблағлари билан таъминланди, 200 нафар хотин-қиз бепул тиббий кўрикдан ўтказилди [3].

Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида ЎзЛиДеПнинг “Аёллар қаноти” томонидан тадбиркор, фермер ва якка тартибдаги ишбилармон аёллар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва уларга амалий ёрдам бериш мақсадида “Тадбиркорлар, фермерлар – иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг мустаҳкам асоси” мавзусида семинар ўтказилди. Шуни айтиш жоизки, туманда 200 га яқин тадбиркор, фермер ва якка тартибдага ишбилармон аёллар фаолият кўрсатишмоқда, айни кунларда улар “1+1” тамойили асосида иш юритиб, яъни йил охиригача ҳар бири бир нафардан аёлни сафларига жалб этишни ўз мақсадларига айлантирганлар [4].

Сурхондарё вилояти ЎзЛиДеПнинг “Аёллар қаноти” томонидан “Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари”, “Оилавий тадбиркорлик- мустаҳкам оилага” лойиҳалари доирасида вилоят хотин-қизларига 140 млн сўм миқдорида кредит олишига кўмаклашилди [5].

ЎзЛиДеП Фарғона вилояти кенгаши “Аёллар қаноти” томонидан ўтган йили хотин-қизлар иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини оширишга йўналтирган 98 та тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилди. Партиявий лойиҳалар доирасида ташкил этилган суҳбат-семинарларда иштирокчиларнинг бизнес режаларига банклар томонидан 364 млн. сўм миқдорда кредит ажратилди ва шу орқали 232 та янги иш ўринлар ташкил этилишига эришилди. Фарғона вилояти ЎзЛиДеП “Аёллар қаноти” 20 га яқин партиявий лойиҳаларни вилоят хотин-қизлар қўмитаси, “Тадбиркор аёл” уюшмаси, Савдо-саноат палатаси, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, вилоят кенгаши депутатлари билан ҳамкорликда тайёрлаб, вилоятда тадбиркор ва ишбилармон аёллар сафини оширибгина қолмай, балки хотин-қизларни ижтимоий, сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини оширишга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар [6].

Ўтган 2013 – “Обод турмуш йили” да барча молиялаш манбалари ҳисобидан жами 6,9 трлн. сўмдан зиёд кредит ажратилиб, хусусан, аёллар тадбиркорлигига 697 млрд сўм, тадбиркорликка энди қадам қўяётган касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига 140 млрд. сўм, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга 136 млрд. сўм кредит маблағи йўналтирилди. Жорий 2014 йилда эса 7,5 трлн. сўм миқдорида кредит ажратилиши кўзда тутилмоқда [7].

Бугун мамлакатимизда ишбилармонлик-бизнес юритиш учун амалий қулай шароит туғдириб бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш давлат иқтисодий дастурининг энг муҳим устивор йўналишларидан бирига айланди. Сўнгги йилларда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, бизнес юритиш, иқтисодиётимизга маҳаллий ва хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш учун зарур шароит ва қулай муҳит яратиш борасида қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг устиворлиги ҳақидаги принцип жорий этилди. Фақат ўтган йилнинг ўзида рухсат беришга оид 80 дан ортиқ тартиб-таомил, лицензияланадиган фаолият турларининг 15 таси, 65 турдаги статистик ҳисоботлар, 23 турдаги ҳисоботни тақдим этиш муддатлари қисқартирилди, 22 турдаги интерфаол солиқ хизмати жорий этилиб, зарур рухсатномалар бериш муддати 2 марта ва мазкур жараёнлар учун харажатлар қиймати 5 марта қисқарди. Тадбиркорлик субъектлари томонидан рухсатнома олиш жараёнида тўланадиган харажатлар 8 баробар камайтирилди, банкларда ҳисоб рақами очиш учун тўловлар бекор қилинди ва шу борада бошқа зарур тадбирлар амалга оширилди. Ўзбекистон бизнесни рўйхатга олиш шартлари бўйича жаҳон миқёсида 66 позиция юқорига кўтарилиб, рейтинг ўтказилган 189 мамлакат орасида 21-ўринни эгаллади, кредит ажратиш бўйича рейтингда эса 24 позиция юқорига кўтарилди [8].

Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар муваффақияти аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги билан чамбарчас боғлиқлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази томонидан олиб борилган социологик тадқиқотлар жамият сиёсий ҳаётида аёлларнинг иштиро-

ки ўсиб бораётганини кўрсатмоқда. “Ижтимоий фикр” томонидан ўтказилган “Сиз сиёсатга қизиқасизми?” деган саволномасига иштирок этган аёл респодентларнинг 60,9 % қизиқишини, 19,7 % эса жуда ҳам қизиқишини, 36,5 % и эса сиёсатга қизиқмасликларини билдирганлар. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, хотин-қизлар сиёсий фаоллиги бевосита уларнинг ёшига ҳам боғлиқ, хусусан, респодент хотин-қизларнинг 20 ёшгача бўлганлари (68,4 %) сиёсатга қизиқишлари, 50 ёш ва ундан юқори бўлганлари (42,6 %) эса сиёсатга қизиқмасликларини айтганлар [9.55].

“Ижтимоий фикр” Маркази хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини аниқлаш учун ўтказган “Сиз қайси сиёсий партия фаолиятида иштирок этишни хоҳлайсиз? деган саволномасига респодентларнинг 21 % и сиёсий партиялар ҳаракатида иштирок этишни хоҳлашларини , 13 % и жавоб беришга қийналишлари, 66 % и эса хоҳламасликларини билдирганлар [9.58].

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, олиб борилаётган социологик тадқиқотлар ижтимоий-сиёсий жараёнларда хотин-қизларнинг фаоллиги ортиб бораётганини кўрсатибгина қолмай, балки хотин-қизлар масаласи ҳозирги даврнинг кун тартибидаги муҳим масалаларидан бири эканлигини кўрсатмоқда.

БМТ маълумотларига кўра, аёллар дунёдаги барча ишларнинг 60-75 % ини амалга оширишади. Уларнинг меҳнати билан дунёда озиқ-овқатнинг 45 % и ишлаб чиқарилади [10.127]. Кўриниб турибдики, аёлларнинг мамлакат ҳаётидаги иштирокини чеклаб қўйсак, инсониятнинг тенг ярим маҳоратини йўқотган бўламиз.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, жамият тараққиётида хотин-қизлар катта салоҳиятга эга бўлган куч ҳисобланади. Хусусан, бу борада Хитой: “Аёл – инсониятнинг ривожланишида қудратли куч ва усиз ривожланишда зафар қозониб бўлмайди” деган фикрдадир [11.166].

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар хотин-қизларда замонавий аёл қиёфасини шакллантиришни, яъни унинг нафақат баркамол фарзандлар тарбиячиси, оила меҳригиёси, балки мамлакатимизнинг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ҳаётида ҳам фаол иштирок этишини талаб қилмоқда.

Сиёсий партиялар ва уларнинг “Аёллар қаноти” ўзларининг ижтимоий-сиёсий фаолиятларини аҳоли орасида қанча жонлантириб, кенгайтириб борса, халқимизнинг сиёсий онги ва фаоллиги шунча юксалиб, мамлакатда бўладиган ўзгаришларга таъсири янада ортаверади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистонда сиёсий партиялар.- Т., 2007.Б.31, 44, 67, 163.
2. Н.Нишонова. Парламентда аёллар салмоғи. // Тафаккур.- 2013.- № 2.- Б.84.
3. Дастурий вазифалар ижроси йўлида. / XXI аср.- 2014.- 13 март
4. Янгийўлда “1+1” танланди. / XXI аср.- 2014.- 6 март
5. Ҳеч ким эътибордан четда эмас, айниқса, аёллар. / XXI аср.- 2014.- 6 март
6. Аёлларга кенг имконият. / XXI аср.- 2014.- 16 январь
7. 2014 йилда 7,5 триллион сўм миқдорида кредит ажратилади./ XXI аср.- 2014.- 13 март
8. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидан. / Халқ сўзи.- 2014.- 18 январь
9. Women of independent Uzbekistan.Ijtimoiy Fikr Public Opinion Study Center Friedrich Ebert Foundation.Tashkent-2004.S.55.
10. Джавакова К. Роль женщины во властных структурах: реальность и перспективы // Общественное мнение.-2006.- №4.- С.127
11. Султонова Э.С. Аёл давлатнинг ривожланиш стратегиясида.- Т., 2005

Ўзбекистон миллий университети,
2014 йил 16 июнда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Б.Ж.Эшов)